

Бир ойда олтмиш хатм



08:30 / 10.05.2020 1977

Робиъ ибн Сулаймон айтади: «Муҳаммад ибн Идрис Сулаймон Шофиъий Рамазон ойида Қуръонни олтмиш марта хатм қилар эди. Барча хатмни намозда қилар эди».

Имом Шофеъий айтади: «Аллоҳнинг номи билан рост учун ҳам, гуноҳ учун ҳам қасам ичмаганман».

Абу Бакр ибн Самоадан ривоят қилинади: «Абу Абдуллоҳ (Аҳмад ибн Ҳанбал) мана шу ҳовлимизга меҳмон бўлиб келган. Мен унда ёш бола эдим. Ойим менга: «Бу кишининг олдидан силжима, хизматида бўл, чунки бу солиҳ зот», дедилар. Кейин у кишининг хизматида бўлдим. Бир куни Аҳмад ибн Ҳанбал ҳадис ўргангани чиқиб кетганида у зотнинг нарсалари ва кўйлаги ўғирланди. Қайтиб келгач, ойим: «Хонангизга ўғри тушиб, кўйлагингизни ўғирлаб кетди», деди. У зот: «Ёзув тахталарим қаерда?»

деди. Ойим «Токчада», деди. Аҳмад ибн Ҳанбал бошқа ҳеч нарса ҳақида сўрамади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан